

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**133** Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий автотранспорт воситаларининг кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 12-сон, 66-модда) 1-иловасига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 29 апрель,  
78-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 29 апрелдаги 78-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарори 1-иловасига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «50» рақами «90» рақами билан алмаштирилсин.
2. 2-банддаги «20» ва «30» рақамлари тегишли равишда «35» ва «55» рақамлари билан алмаштирилсин.
3. 3-банддаги «100» рақами «175» рақами билан алмаштирилсин.